

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**308** «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳ-  
номаларини бериш ва авиация ходимларининг тур-  
лари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига  
(ЎР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-4*

*(2009 йил 6 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ИКАО стандартлари ва тавсияларини инobatга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларига (ЎРАҚ-61) (2004 йил 7 май, рўйхат рақами 1349 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 18-сон, 212-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Парвозлар хавфсизлигини  
назорат қилиш давлат  
инспекцияси бошлиғи**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 26 май,  
56-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.